

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: [Н.Юсупов](#)

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 27.10.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 13**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ *PODALONIA FERNALD*, 1927 АВЛОДИ ҚАЗУВЧИ
АРИЛАР (HYMENOPTERA: SPHECIDAE) ФАУНАСИ.**

Қодиров Илхомжон Тожиахматович, Наманган давлат университети, -
IxlosbekIsfandiyor@gmail.com Тел:998949051285

Медетов Махсетбай Жапақович, ЎзР ФА Зоология институти катта илмий ходими, б.ф.д.
m.j.medetov@mail.ru

Ахмедова Зухра Юлдашевна, ЎзР ФА Зоология институти лаборатория мудир, б.ф.н.
z_akhmedova@mail.ru

Аннотация: Аннотация: Фаргона водийсининг табиий ва антропоген ҳудудларида *Podalonia* авлоди ариларининг тўртта тури тарқалган. Бу ҳашаротларнинг биологик хилма-хилликдаги ўрни беқийёс ҳисобланиши билан бир қаторда, биоценотик ва амалий аҳамиятига кўра, табиатда ўсимликларни чангланишида ва зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда муҳим саналади. Зарарли турлари эса асаларичиликка катта зарар келтиради.

Калит сўзлар: *Hymenoptera*, туркум, *Sphécidae*, оила, Малез тутқичи, Марики, *Podalonia*.

**ФАУНА РОЮЩИХ ОС (HYMENOPTERA: SPHECIDAE) РОДА *PODALONIA FERNALD*,
1927 ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ.**

Қодиров Илхомжон Тожиахматович, Наманган давлат университети, -
IxlosbekIsfandiyor@gmail.com Тел:998949051285

Медетов Махсетбай Жапақович, ЎзР ФА Зоология институти катта илмий ходими, б.ф.д.
m.j.medetov@mail.ru

Ахмедова Зухра Юлдашевна, ЎзР ФА Зоология институти лаборатория мудир, б.ф.н.
z_akhmedova@mail.ru

Аннотаци: В естественных и антропогенных зонах Ферганской долины распространены четыре вида пчел из рода *Podalonia*. Неоценима роль этих насекомых в биоразнообразии, а также их биоценотическое и практическое значение в опылении растений в природе и борьбе с другими вредителями. Вредные виды наносят пчеловодству большой урон.

Ключевые слова: *Hymenoptera*, отряд, *Sphécidae*, семейство, лавушка Малеза, Марики, *Podalonia*.

**FAUNA OF FERGANA VALLEY DIGGER WASPS (HYMENOPTERA: SPHECIDAE)
OF THE GENUS *PODALONIA FERNALD*, 1927.**

Kodirov Ilkhomjon Tojiakhmatovich, Namangan state university, IxlosbekIsfandiyor@gmail.com
Тел:998949051285

Medetov Makhsetbay Japakovich, Institute of Zoology, Academy of Sciences of the Republic of
Uzbekistan, DSc. in biology m.j.medetov@mail.ru

Akhmedova Zukhra Yuldashevna, Institute of Zoology, Academy of Sciences of the Republic of
Uzbekistan, Head of the laboratory, PhD in biology z_akhmedova@mail.ru

Abstract: Four species of wasps of the genus *Podalonia* are distributed in the natural and anthropogenic areas of the Fergana Valley. In addition to the unique role of these insects in biodiversity,

their biocenotic and practical importance is significant in the pollination of plants in nature and in the pest management. Pest species cause great damage to beekeeping.

Key words: *Hymenoptera, order, Sphecidae, family, Malaise trap, Маруке, Podalonia*

Кириш

Sphecidae арилар оиласи систематик жиҳатдан Hymenoptera туркумига бирлашиб ҳозирги вақтда 10000 га яқин ари турлари маълум, аммо уларнинг барчасида ҳаёт шакллари бир хилда эмас. Қазувчи арилар Арктика ва Антарктикадан ташқари деярли барча жойларда учрайди. Шунингдек, улар тоғларнинг энг юқори чўққиларида ҳам учрамайди. Қазувчи арилар танасининг узунлиги 2 ммдан 50-55 ммгача бўлади. Бошқа арилардан фарқли ўлароқ, олд елкасининг орқа қисми тепасида ўзига хос кўндаланг бўртиқ (ёқа) мавжуд, ёнларида – сезиларли даражада чиқиб турадиган елка бўртиқлар бўлиб, улар одатда олд қанотлари асосининг олдида жойлашган пластинкалар мавжуд [1,2,3,5]. Ариларнинг номланиши ерда ин қавлаш уларнинг кўпчилик турига хос хусусият эканлигини билдиради, аммо дарахт ёки ўсимлик новдаларида ин қурадиган кўпчилик тури ҳам мавжуд. Ерда ин қилувчи бу ариларнинг олд оёқчалари одатда бир қатор маҳкам узун туклар – тароқ билан таъминланган; бундай тароқ баъзи бир нарларида ҳам мавжуд. Қазувчи арилардан Podalonia авлоди турларида юқари сигменти кенг ва ясси, учбурчак шаклида дарахт ва ўсимлик новдаларида ин қурадиган турларида эса ингичка, узунасига ўйилган жўя кўринишида бўлади. Бу майдонча ёки жўя ҳам ин қуришда – одатда субстрат моддаларини чиқариб ташлаш ёки ин деворларини текислаш учун ишлатилади. Қавловчи арилар биологиясининг ўзига хос хусусияти - бу янги авлод ҳақида ғамхўрлик, яъни мода арилар махсус инлар қуриб, уларни личинкалар учун озуқа - шол қилинган ёки (гоҳида) ўлдирилган ҳашарот ёки ўргимчаклар билан таъминлашдир.

Материал ва усуллар

Тадқиқотлар 2019-2021-йилларда Фарғона водийсининг табиий ва антропоген ҳудудларида олиб борилди.



Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудлар харитаси.

Биоматериалларни йиғишда ҳар хил ҳашаротлар Малеза, Мериже ва Барбернинг тупроқ тузоқлари ёрдамида йиғилди. Малеза тузоғи учта Н-шаклидаги бири-бирига боғланган пластинкалардан ва тупроқ юзаси билан бир текисликда бўлган қопламадан иборат.



Тузоқ ойнаси юқори бурчакдаги олд деворга ташқи томондан мустаҳкамланган. Қопқоннинг ички деворлари қора, ташқи қисми оқ рангда. Малеза тузоғи “тўсиқ” принципи асосида фойдаланилади. Учаётган ҳашаротлар унинг марказий қора деворига урилиб, сўнг юқорига кўтарилиб, тузоқнинг юқори бурчагида тўпланади, у ер орқали ҳашаротлар тутқич идишига киради. Тузоқ идиши иккита ҳалқа билан бириктирилган. Фиксатор сифатида одатда 96% этил спиртидан фойдаланамиз. Йиғилган ҳашаротлар морилка идишларга жойлаштирилади. Тўплаларни чалкаштириб юбормаслик учун турли хил йиғиш жойларидан ҳашаротлар турли хил морилкаларга жойлаштирилган. Морилкалардан сўнг ҳашаротлар қуруқ пробиркаларга ёки 70% спирт билан тўлдирилган маркерланган идишларга солинган. Улар рақамга мувофиқ, унда олинган намунадаги ёзув дала дафтарига киритилади: баландлик, биотоп, унинг хусусиятлари сана ва вақт, координаталар (GPS -дан фойдаланиш имкони бўлмаган ҳолда, манзил сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган аҳоли пункти ёки бошқа ҳудуднинг географик номини аниқроқ кўрсатилди) белгиланади. Даладан йиғилган намуналарни сақлаш ва ишлашиш учун қисмларга ажратиш керак. Намунани қайта ишлаш лаборатория шароитида амалга оширилади. Бунинг учун бинокляр микроскоп, пинцет, текисловчи игналар, Петри идишларидан фойдаланилади. Намуналар Петри идишларида микроскоп остида кўриб чиқилади. Кейин намуналар янги пробиркаларга ёки 70% спиртли бутилкаларга жойлаштирилади. Намуна билан пробиркаларга доимий маркер билан имзо қўйилади ва намунадаги маълумотлар журналга киритилади, унда намуна рақами, тур номи (ёки тур аниқланган таксон), йиғилган санаси, коллекционер номи, координаталари, баландлиги, биотопи ва бошқа хусусиятлари кўрсатилди. Пробиркалар ҳам худди шу маълумотлар билан этикетланади. Спирт вақт ўтиши билан буғланганда, материал қуриб қолиши мумкин, шунинг учун вақти-вақти билан спиртли эритма билан тўлдириш керак. Спиртли эритмадан ташқари (нам йиғиш) ҳашаротлар стандарт энтомологик усуллар билан сақланади: пахта матрасларида ва энтомологик булавкаларга ўрнатилади (қуруқ йиғиш). Пахта матрасларидаги материал ҳам батафсил ёрлиқли бўлиши керак. Материални булавкаларда сақлаш учун уни ўрнатиш керак. Ариларни ўрнатиш учун асарилар кўкракнинг ўртасига маҳкамланади. Чумолилар қалин картондан ёки эгилувчан шаффоф пластмассадан ясалган плиталарга ёпиштирилади. Плиталар тўртбурчаклар ёки учбурчак шаклида қилиб тайёрланади. Ҳар бир булавкада иккита ёрлиқ бириктирилган бўлиши керак. Маҳаллий ёрлиқда намуналар тўпламининг географик маълумотлари (координаталар, мамлакат, шаҳар ёки бошқа географик ном, баландлик,) санаси ва намуна рақами кўрсатилди. Идентификация ёрлиғида санаси аниқланган турларнинг илмий номи кўрсатилган. Агар керак бўлса, ёрлиқни бошқа муҳим маълумотлар билан тўлдириш мумкин. Булавкаларга ўрнатилгандан сўнг, қанотли ҳашаротлар қанотларини ёйиш керак. Бунинг учун тўғрилаш мосламалари ишлатилади - улар зич, аммо юмшоқ ёғочдан ясалган бир-бирига ҳаракатланувчи тарзда боғланган. Тайёрланган барча материаллар намлик ортиб кетмаслиги ёки терихўрлардан ҳимоялаш учун, полиэтилен пакетга ўралган ёғоч қутиларида сақланади. Бундан ташқари, зараркунадалардан ҳимоя қилиш учун қутига нафталин таблеткасини ёки бошқа инсектицидни қўйиш керак. Нам материал оғир картон қутиларида сақланиши мумкин. 2-3 йилда бир марта бутун коллекция материални фумигация қилиш керак, бундан ташқари бутун коллекция йилига бир неча марта текширилади. Барча қуруқ йиғиш



маълумотлари ҳам қайд қилинади. Журналдан ташқари, электрон маълумотлар базасини юриштиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳашаротларни энтомологик тўр ёрдамида йиғиш усули куйидагича: энтомологик тўрининг майсалар, ёш бута ва дарахтлар юзаси бўйлаб, силташ (миқдорий ҳисоблаш - 50 ёки 100 бўлган ҳолда) ҳаракати орқали ўтказилади.

Олинган натижалар

Арилар аксарият ҳолларда очиқда юривчи умуртқасиз ҳайвонларни ов қилишади, камдан-кам ҳолларда уларни яширинган жойларидан излашади. Кўплари учун маълум бир турдаги ўлжани, масалан, фақат чигирткаларни, ёки фақат тўғриқанотсимонлиларни, ёки фақат капалак қуртларини қатъиян танлаш ўзига ҳос хусусиятидир [1,6]. Тутиб олинган ўлжанинг асаб боғламларига нишини санчиш орқали шол қилинади. Баъзи арилар ўз қурбонларини мандибулалар ёки ниши билан ўлдиришади. Озуқа билан тўлиқ тўлдирилган тухум қўйилган катакча қопқоқ билан ёпилади, ёпиш учун одатда инни ўраб турган субстрат хом-ашё бўлиб хизмат қилади, лекин баъзи турлар бунинг учун бегона материал, масалан дарахт сақичини ҳам ишлатишади. Барча ишлар яқунлангандан сўнг инга кириш қисми ҳам шундай қопқоқ билан ёпилади. Бу ҳолда қазувчи арилар озукани катакчага, ари личинкаси уни еб бўлишига қараб аста-секинлик билан ташишади, аммофилларнинг алоҳида турлари эса ҳар ҳил ёшдаги личинкалар бўлган бир неча инларга бир вақтнинг ўзида қарашади [3,6]. Қазувчи арилар аввал систематик ҳолатига кўра битта Сфецидлар (Sphecidae) оиласи сифатида қараларди. Ҳозирда улар 3 та мустақил оила: Сфецидлар (Sphecidae), Крабронидлар (Crabronidae) ва Ампулицидлар (Ampulicidae)га бўлинган. Охириги оила асосан тропик улкаларда тарқалган.

- Hymenoptera – Пардақанотлилар туркуми
- Aprocrita [GERSTAECKER, 1867](#) кенжа туркуми
- Apoidea [LATREILLE, 1802](#) – катта оила
- Sphecidae [LATREILLE, 1802](#) – оила
- Ammophilinae ANDRÉ, 1886 – кенжа оила

***Podalonia* [Fernald, 1927](#)**

Podalonia affinis (W. Kirby 1798)

Аниқланган жойи ва вақти: (41.000204° . 71.234200°., 25.06. 2021 й, 5♀. 2♂).

Зоогеографияси: Транспалеарктик тур.

Ҳозирги ҳолати: Доимий тур.

Podalonia edenina (Spinola, 1839)

Аниқланган жойи ва вақти: (40.994206° . 71.513033°., 25.06. 2021 й, 5♀. 2♂).

Зоогеографияси: Ғарбий Палеарктик тур.

Ҳозирги ҳолати: камёб тур.

[Podalonia hirsuta](#) (SCOPOLI 1763)

Аниқланган жойи ва вақти: (40.738053° . 71.633611°., 25.06. 2021 й, 5♀. 2♂).

Зоогеографияси: Палеарктики.

Ҳозирги ҳолати: Доимий тур.

Podalonia luffii (Saunders 1903)

Аниқланган жойи ва вақти: (41.242236°С. 71.528845°В., 26.06. 2021 й, 5♀. 2♂).



Зоогеографияси: Ғарбий Евразия.

Ҳозирги ҳолати: Камёб тур.

Аниқланган жойи ва вақти: (40.898151°"С. 71.669042°"В., 26.06. 2021 й, 5♀. 2♂).

Катта ёшдаги ариларнинг ўзлари турли ўсимликлар гулларининг нектари, тенқанотли сўрувчи хашаротлар (куя, барг бургалар ва цикадалар)нинг ширин ажратмалари билан озиқланишади; сув ичишлари мумкин, баъзан ўсимликлардан ажралиб чиқувчи шарбатлар билан озиқланишади, истисно тариқасида, асалариларнинг бўқоқчаларидан улар йиққан ўсимликлар гулининг нектарини сўриб олишади. Кавловчи ариларнинг кўпчилиги – якка хашаротлар, яъни шу турдаги бошқа вакиллардан қатъий назар якка ҳода ин қуришиб, унда авлоди озуқа ғамлайди. Бироқ улар орасида турмушнинг колониал ва ҳатто жамоавий ташкил этилишининг баъзи элементларини ҳам учратиш мумкин. Уларнинг фақат 2 та ноёб турлари маълум. Сфецидлар ва крабронидлар (айниқса охиргилари) анча кўп сонлидир. Турли зотларининг вакиллари кўпинча ташқи кўриниши ва ҳаёт тарзи билан кескин фарқланади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки Sphecidae оиласи хашаротлари биологик хилма-хилликдаги ўрни беҳиёс. Podalonia авлоди арилари Фарғона водийсининг табиий ва антропоген ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган ҳисобланади. Бу турлар табиатда ўсимликларни чангланишида ва зарарқунанда хашаротларга қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Зарарли турлари эса асаларичиликка катта зарар келтириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Казенас В. Л. *Роюющие осы Средней Азии и Казахстана. Определитель.* // Наука, 1978, 170 с.
2. Казенас В. Л. *Роюющие осы (Hymenoptera, Sphecidae) Юго-восточного Казахстана* // Тр. ВЭО, 1972 г. с. 93—533.
3. Казенас В. Л. Фауна и биология роющих ос (Hymenoptera, Sphecidae) Казахстана и Средней Азии. — Алматы: КазгосИНТИ, 2001. — 334 с. — ISBN 9965-466-31-9.
4. Немков П. Г., Казенас В. Л., Будрис Э. Р., Антропов А. В. 1995. *Сем. Sphecidae — Роюющие осы* // Определитель насекомых Дальнего Востока России. Т. IV. Сетчатокрылообразные, скорпионницы, перепончатокрылые. Ч. 1 / под общ. ред. П. А. Лера. — СПб.: Наука, 1995. — С. 368—480. — 606 с. — 3150 экз. — ISBN 5-02-025944-6.
5. Пулавский В. В. 1978. *Сем. Sphecidae — Роюющие осы* // Определитель насекомых европейской части СССР. Т. III. Перепончатокрылые. Первая часть // Подотряд Аросcrita — Стебельчатобрюхие (Арнольди К. В. и др.) / под общ. ред. Г. С. Медведева. — Л.: Наука, 1978. — С. 173—279. — 584 с. — (Определители по фауне СССР, издаваемые Зоологическим институтом АН СССР; вып. 119). — 3500 экз.
6. Lomholdt O. (1984) *The Sphecidae (Hymenoptera) of Fennoscandia and Denmark.* Fauna Ent.Scand. 4, part 1: 1-224.



28	Особенности ведения из коморбидных заболеваний пациентов сахарным диабетом в период пандемии коронавирусной инфекции (COVID-19) Дадаханов.А. Р.....	127
29	Окисление (фосфорилирующее и нефосфорилирующее) в митохондрии печени крыс в онтогенезе, потреблявших нормальный корм и К.О. Шертгоева Р.С., Худойбердиева Н.Н., Мирзаолимов М.М.....	131
30	Фарғона водийси шароитида <i>Tetranychus Urticae</i> Koch.экологияси. Рустамов И.К., Эркинов И.О.	134
31	Муҳофазага муҳтож тўғриқанотли ҳашаротлар бўйича экологик маълумотлар Мирзаева Г.С., Тураева З.Р., Тураева Ф.Р.	139
32	Эрозияланган тупроқлар алгоценозларининг динамикаси Тўхтабоева Ю.А., Турғуналиев Ф., Норинов А.....	144
33	Qo'l barmoq og'ir jaroxatlarini davolashda zamonaviy yondashuv Xolmirzayev O.N.....	148
34	Шарқий Фарғона беда (<i>Medicago Sativa</i>) агробиоценозлари қандалари (<i>Hemiptera:Heteroptera</i>) тур таркиби ва таксономик тавсифи. Мусаев Д.М., Ўринбоева Ш.С., Худойбердиева М.О., Тожиматов Д.А.....	154
35	Фарғона водийси <i>Podalonia Fernald</i>, 1927 авлоди қазувчи ариллар (<i>Hymenoptera: Sphecidae</i>) фаунаси. Қодиров И.Т., Медетов М.Ж., Ахмедова З.Ю.	159

05.00.00

**ТЕХНИКА*ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES**

36	Разработка составов кордиеритовых электрокерамических материалов на основе местного сырья Туляганова В.С., Абдуллаева Р.И., Негматов С.С., Валиева Г.Ф.....	164
----	---	-----

07.00.00

**ТАРИХ ФАНЛАРИ
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES**

37	Фарғона водийси аҳолиси таркибини XIX – XX аср бошларида этнографик ўрганилиши Вахобов Б.М.	170
38	Оқсарой кеча ва бугун Абдурахмонова М.	176
39	Авиатранспорт фидоийлари Тўхтабаев А.Ш.	181
40	XX аср бошларида Туркистон ўлкасида сайловларни ўтказишдаги муаммолар Болтабаев Б.С.	185